



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil "25" mart

Қ-198 -son

Termiz sh.

**Ангор тумани Қ.Тўлаков массиви худудидан  
“BAQTRIYA AGRO TOMORQA XIZMATI”  
МЧЖга боғдорчилик, сабзавотчилик ва  
кўчатчиликни ривожлантириш мақсадида ер  
майдони ажратиб бериш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 04 мартдаги 05-02/188-сон йиғилиш баёни, Ангор тумани ҳокимининг 2021 йил 15 февралдаги 24/01-19-сон хатини кўриб чиқиб,

**Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н :**

1. Ангор тумани Қ.Тўлаков массиви худудидан “BAQTRIYA AGRO TOMORQA XIZMATI” МЧЖга боғдорчилик, сабзавотчилик ва кўчатчиликни ривожлантириш мақсадида туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 120,133 ва 135-дала контурларидаги тупрок унумдорлиги 45,9 балл бонитетли жами 120,8 гектар, шундан 48,3 гектар суғориладиган экин ер, 69,7 гектар яйлов, 2,5 гектар сув ости ер ва 0,30 гектар йўллар билан банд бўлган ер майдонлари (30 йил муддатга) ижара ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасига ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов